



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Таштемиров Анвар Алиқулович

ИИБ Академияси катта ўқитувчиси

Курчибоев Жасурбек Тўлқинжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

3-ўқув курси, 314-гуруҳ курсанти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10418338>

ARTICLE INFO

Received: 14th December 2023

Accepted: 20th December 2023

Online: 21th December 2023

KEY WORDS

Жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, вояга етмаган шахс, таълим, тарбия, қонунчилик, инсон шаъни ва қадри, одоб-ахлоқ нормалари.

ABSTRACT

Мақолада, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда таълим тизими ва муассасаларининг ўрни, улар томонидан амалга оширилиши белгиланган асосий вазифалар ҳамда унинг профилактика жараёнидаги самарадорлигига оид масалалари ёритилган.

Бугунги кунда ёшларнинг таълим ва тарбия жараёни, жумладан дарсдан кейинги бўш вақтлари қандай ташкил қилинганлиги аввало ота-оналар сўнгра эса педагог-психологлар ҳамда кенг жамоатчилик назоратида бўлиши лозим. Чунки давлатнинг келажаги, жамиятнинг ривожланиши айнан бугунги кунда ёшларга бўлаётган муносабат билан белгиланади. Таълим ва тарбия масаласига катта эътибор бераётган давлатлар бугун илм фан соҳасида етакчиликни қўлга киритаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, Муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганишга бағишланган видеоселектор йиғилишида республикамиздаги мавжуд олий таълим муассасалари фаолияти чуқур танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, Республикада мавжуд олий таълим муассасалари замон эҳтиёжи ва давр талабларига, бозор муносабатлари шароитига мутлақо жавоб бераётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бугун демократик давлатлар ҳисобланган Европа, Америка, Осиё ва бошқа давлатларда 900 мингдан ошди олий таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Чунончи, мактаб, лицей, коллежларни тугатаётган ёшларнинг олий таълим билан қамраб олиниши даражаси АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Россия Федерациясида юқори кўрсаткичларни ташкил этаётган бўлса, бизда эса бу ниҳоятда паст кўрсаткич 7-9 % ни ташкил этмоқда.

Айнан сўнги йиллар таҳлили натижасида ўқувчилар томонидан жиноят содир этиш ҳолатларининг аксарияти дарслардан кейинги ёки кечки пайтларга тўғри келаётганини ва улар асосан нотинч оилалар фарзандлари томонидан содир этилаётганлиги аниқланди. Бугунги кунда ёшлар ўртасида жиноятга мойиллик



аломатларининг ўсиб бориши, глобалашув жараёнлари билан боғлиқ турли ёт одатларнинг ёшлар орасида оммалашуви, замонавий ахборот технологияларининг ёшларга салбий таъсири жамият ҳаётида маълум муаммоларнинг келтириб чиқармоқда. юқорида келтириб ўтилган омиллар ёшлар билан ишлаш бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида бир қатор вазифаларни кўймоқда. Ўсмир нима учун жиноятчи бўлиб қолганлигини англаб етиш учун энг аввало уни қуршаб олган ижтимоий муҳит, шарт-шароит ва унинг ўсмир шахсига қандай таъсир этганлигини таҳлил қилинганда, салбий шахс сифатлари, яъни ноқонуний хулқ, қатъий ҳаётий мақсадларнинг мавжуд эмаслиги, ташқи салбий муҳит ва оилада тарбиянинг яхши эмаслиги ўсмирда жинойий хулқнинг шаклланишига қулай имконият яратиши маълум бўлади.

Вояга етмаган жиноятчи шахси шаклланиш йўлининг биринчи босқичи тарбиясининг оғирлигидадир. Тарбияси оғирликнинг ижтимоий илдизларини боланинг оиласидан ва уни ўраб турган муҳитда излаш лозим. Тарбияси оғир ўсмир ўз қилмишларни ташқи таъсир остида амалга оширади. Унинг хаттиҳаракатлари ўзгариши муҳитга боғлиқ. Бу ерда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг умумий субъектлари (ўқув муассасалари, маҳалла, кенг жамоатчилик) тарбиявий таъсирининг ўз вақтида бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари вақтларда ҳам отаоналарининг назорати ва тарбия таъсири остида бўлишлари керак. Таҳлил этилган ижобий натижалар шундан далолат берадики, қаерда педагогик жамоалар бундай жавобгарликни ўз зиммаларига олиб, ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этган бўлса, ўша ерда қонунбузарликлар жуда кам содир этилади. Оила ҳамда ўқув-тарбия муассасаси назоратидан четда қолиш ёшларда жавобгарлик ҳиссини сезмаслик ва бебошликни юзага келтиради. Ўқувчилар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишнинг замонавий шароитида асосий диққат-эътибор улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олувчи дастлабки профилактика масалаларига қаратилган бўлиши керак. Ўқувчилар билан амалга ошириладиган профилактик чоралар умумтарбиявий, жинойий ва қонуний чоралар таъсирини бирлаштирувчи омил ҳисобланади. Ўқувчилар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг бош мезони шахснинг ёшлигидан бузилмаслигини таъминлашда ва ундаги айрим салбий кўринишларни ўз вақтида тўғрилаб, келгусидаги содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборатдир.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчи шахсининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шартшароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш



жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

- жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг профилактикаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳисобланади. Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг махсус профилактикаси эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасини (шу жумладан, вояга етмаганлар ўртасида) бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, жиноят содир этган айрим тоифадаги вояга етмаганларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолиятни ўзида акс эттиради.

Маълумки, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда белгиланган қоидалардан келиб чиққан ҳолда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг профилактикаси қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни ўз ичига қамраб олади:

- ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;
- аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;
- ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш; ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи
- мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш; ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (худуд-ларни) мунтазам равишда назорат қилиш;
- хужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;



- ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;
- профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Шу ўйрнда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактик жараёнига салбий таъсир этувчи айрим жиҳатлар ҳам мавжуд, масалан вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар жойларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича, шу жумладан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимни олишга ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш ҳолатлари аниқланганда, уларга нисбатан ўз вақтида маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда жазо чораларини кўриш ваколати мавжуд эмас.

Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва самарали ишни ташкил қилиш учун инспектор-психологларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий баённома тузиш ҳамда жазо чорасини қўллаш ваколатини бериш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 248-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни заруратини келтириб чиқаради.

Мактаб, лицей, коллеж ўқувчиларини вояга етмаганлар Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ҳамда жазони ўтаётган вояга етмаганлар сақланаётган жазони ижро этиш муассасаларига олиб боришни ташкиллаштириш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш унинг профилактикасини самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан таълим ва тарбия жараёнини амалга оширувчи муассасалар ва у ерда фаолият олиб борувчи шу соҳага масъул ваиллар билан амалга ошириладиган чора-тадбирлар билан узвий боғлидир. Албатта ҳар бир амалга ошириладиган чора-тадбир олдиндан ягона мақсад асосида ўйланган, ўзаро келишувга кўра амалга оширилиши белгиланган, аниқ вазифалар белгилаб олинган ҳамда ушбу вазифаларнинг ижро механизми томонлар учун келишилган тарзда ёндашувга қаратилса, бу жараён албатта ўз самарасини беради, яъни ёшларнинг ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олди олинишига ижобий натижаларга эришилади.



References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 й. <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Хатамов Р.А. Кириш сўзи / Хуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари: назария, амалиёт ва қонунчилик таҳлили: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2022 йил 31 март) / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 478 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон фармони // <https://lex.uz/docs/4740345>.
4. Мирсалихова, Г. А. (2023). Вояга етмаганлар томонидан хуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни бартараф этиш йўналишлари. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(22), 116-123.
5. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.
6. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза - ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.
7. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.
8. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.
9. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
10. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.
11. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.
12. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.



13. Таштемиров А. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ШАКЛЛАНИШ ДАВРЛАРИ //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.
14. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзигахослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. –2022. –Т. 2. –№. 12 Special Issue. –С. 141-146.17.
15. Мирсалихова Г. А. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмиймақола//Eurasian journal of law, finance and applied sciences <https://doi.org/10.5281/zenodo.7262974>. –Т. 7262974.18.
16. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. –2022. –Т. 2. –№. 13. –С. 160-165.19. 16. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //So'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. –2023. –Т. 6. –№. 1. –С. 5-15